

ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР СЕМАНТИКАСИДА ИДИОМАТИК МАЪНО ДАРАЖАСИНИНГ ҚИЁСЛАНИШИ

Ражабов Нуриддин Мустафоевич

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7165606>

Аннотация. Фразеологиязмларнинг таркибидаги лексемалар билан муносабати асосида икки семантик тури атрофлича таҳлил қилинди. Фразеологик бутунлик ва чатишмалардаги идиоматик маъно даражаси қиёсланиб кўрилди. Метафора йўли билан ҳосил бўлаётган фразеологик бутунликларга алоҳида ёндашиш илгари сурилди. Чунки улар ҳосила маъно бўлсада лексик маъносини сақлаган контекст билан боғлиқ бирликлардир. Фраземалар эса бундан мустасно.

Таянч сўзлар: фразема, фразеологик бутунлик, фразеологик чатишма, фольклор, метафора, ҳосила маъно, лексик маъно, муболага, омонимлик, геишталт, лисоний онг, ассоциатив структура

СРАВНЕНИЕ УРОВНЯ ИДИОМАТИЧЕСКОГО ЗНАЧЕНИЯ В СЕМАНТИКЕ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ

Аннотация. На основе соотношения фразеологизмов и лексем тщательно проанализированы два семантических типа. Сопоставлялись фразеологическая целостность и уровень идиоматического значения фраз. Выдвинут отдельный подход к фразеологизмам, образованным метафорой. Потому что они являются контекстно-зависимыми единицами, сохраняющими свое лексическое значение, даже если они имеют производное значение. Исключением являются фразы.

Ключевые слова: словосочетание, фразеологизм, фразеологическое сочетание, фольклор, метафора, производное значение, лексическое значение, преувеличение, омонимия, геиштальт, языковое сознание, ассоциативный строй.

COMPARISON OF THE LEVEL OF IDIOMATIC MEANING IN THE SEMANTICS OF PHRASEOLOGICAL UNITS

Abstract. Based on the correlation of phraseological units and lexemes, two semantic types are carefully analyzed. Phraseological integrity and the level of idiomatic meaning of phrases were compared. A separate approach to phraseological units formed by metaphor is put forward. Because they are context-sensitive units that retain their lexical meaning even if they have a derived meaning. Phrases are an exception.

Keywords: phrase, phraseological unit, phraseological combination, folklore, metaphor, derived meaning, lexical meaning, exaggeration, homonymy, gestalt, linguistic consciousness, associative structure.

КИРИШ

Халқимиз ўзининг азалий қадриятлари, ноёб анъаналари ва қадим маданиятини мужассамлаштирган кўҳна ва навқирон тили билан жаҳон сайёҳларининг қизиқиши ва ҳавасини ошириб келмоқда. Маърифатпарвар адиб А.Авлоний таъбири билан айтганда, дунёда ҳар миллатнинг борлигини кўрсатадиган унинг тили ва адабиётидир. Ана шу бобомеросда ўзлигимиз, ўз сўзимиз, яъни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган ибораларимиз мавжудки, уни ҳар томонлама ўрганиш, маъно томонини кенг тадқиқ этиш долзарб вазифа бўлаётир.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Фразеологиязмларнинг таркибидаги лексемалар билан муносабати асосида икки семантик тури фарқ қилинади: 1) фразеологик бутунлик; 2) фразеологик чатишма. [Турсунов, 1992:74]. Ушбу дарсликда фраземалар таркибидаги лексемалар маъноси асосида изоҳланса бутунлик, агар бундай бўлмаса, чатишма эканлиги айтилади. Нуткимизда жуда фаол қўлланиладиган *илонни ёғини яламоқ, чучварани хом санамоқ, пашишадан фил ясамоқ, томдан тараша тушгандай, бир ёқадан бош чиқариб* иборалари бор. Мана шу бирликларни таркибидаги ўз маъноси билан изоҳлаб бўлмайди. Биринчи иборани эшитганимизда тасаввуримизга “*ёғ ялаш*” эмас, балки “*айёр*” тушунчаси гавдаланади. Кейингиларида ҳам худди шундай. Лекин *кўнглини очди, кўнглида кири йўқ, бағри қаттиқ, бир оғиз, ичи қора* каби ибораларда англашилаётган маъно лексемаларнинг муносабати асосида, аҳамият беринг, ҳосила маъно билан юзага чиқади. Ва бу фразеологик бутунликнинг таърифига мос келади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Бундай фраземанинг умумлашган кўчма маъноси фразема таркибидаги лексемалар маъноси билан изоҳланади. [Жамолхонов, 2013:337]. Шу нарса аниқки, биринчи гуруҳдаги фразеологик чатишмалар аслида маданий корпусни шакллантириб беради. Бу бирликларнинг ифодалаётган маъносини ҳеч нарса билан қиёслаб, ўлчаб бўлмайди. Идиоматик маъно даражаси энг юқори. Керак бўлса, кундалик ҳаётимизда ҳар ўнта одамнинг бирида бу ибораларни учратамиз.

Шу нуқтаи назардан бу бирликларга нисбатан *соф фраземалар* дея ёндашишимиз зарур. Фраземага берилган таърифда ҳам икки ва ундан ортиқ лексемаларнинг маъно мустақиллигини йўқотиб, бир умумий, яхлит маънони ифодалаши айтилади. [Турсунов, 1992:74]. Иккинчи семантик гуруҳга жамланган фразеологик бирликларда маъно ифодаси кўпинча метафора асосида юзага чиқиши билан биринчи гуруҳдан бутунлай фарқ қилади. Негаки чатишмаларда фольклорга хос бўрттириш, муболаға оҳанглари сезилади. Бу ибораларнинг шаклий томонини шартлилик асосида қабул қилмасдан фольклордан кидиришимиз керак бўлади.

Масалан, *ўпкасини қўлтиқлаб келмоқ, бир ёқадан бош чиқармоқ* каби фраземалар эртақларда кўп учрайди. Фразеологик бутунликлардаги кўчма маъно буёғи, ички образнинг ифодаланишида ҳам номувофиқликни кузатамиз. Яъни бу гуруҳга кирадиган *кўзи қинидан чиқиб кетмоқ, оғзи қулоғида, дўпписини осмонга отмоқ* бирликлари билан *ичи қора, кўнгли очиқ, юраги бўш, бағри кенг* ибораларидаги идиоматик маъно даражасини бир тизимга қўйиб бўлмайди. Фақат таркибидаги лексемалар маъноси бир гуруҳга кириши учун асос бўляпти. Энди эътибор беринг, инсон ғазаблангандаги эмоционал ҳолати ёки кутмаган нарсасини устидан чиқиб қолса, биринчи, кўзнинг меъёридан катталашишини назарда тутиб айтилади. Бу иборада маъно метфора билан ҳосил бўляптими ёки бошқачами? *Кўз соққаси* терминида *соққа* сўзининг *қин* сўзи билан ифодаланиши метафора, лекин *кўзи қинидан чиқиб кетмоқ* фраземасининг ифода этаётган тушунчасида метафорадан кўра муболағанинг устуворлиги намоён бўляпти. *Оғзи қулоғида* иборасида ҳам худди шундай. Лекин *дўпписини осмонга отмоқ* иборасида тушунча ифодаси бошқача. Чунки ота-боболаримиз аввал дўппида юришган.

Меҳр-оқибат, яхшилик, бир-бирига ёрдам бериш каби инсоний фазилатлар одат бўлган ва одамлар нимадандир хурсанд бўлишганда дўпписини отишган. Бу соддалик ва беғуборликнинг рамзи десак ҳам хато эмас. Мана шундай иборалар маданий корпусни

шакллантириб, бугун лингвокультурология фани ўрганипти. Демак, бу иборада кўчма маъно йўқ. Урф-одат бўлиб, лисоний онгимиздан ўрин олган. Шу нарса аёнки, бу иборалардаги маъно буёғи *юлдузни бенарвон урмоқ, чучварани хом санамоқ* каби фраземаларидаги тасвир буёғи билан бир тизимга тўғри келади. *Ичи қора, кўнгли очиқ, юраги бўш, бағри кенг* бирликлари ифода этаётган тушунчалар эса фақат метафора асосида ҳосил бўлган.

Юқоридаги иборалардан фарқи бунда идиоматик маъно даражаси паст эканлиги кузатиляпти. Агар бу метафораларни фраземалар қаторида санасак, метафора билан фраземаларни бир-биридан ажратиш сўроқ остида қолади? Иккинчидан, бу фраземалар нутқда хоҳлаганча ўзгариши мумкин. Масалан, *бағри кенг-қалби кенг-ичи кенг; ичи қора-юраги қора-дили қора*. Биз эса фраземани ўзгармас, яхлит, барқарор тил бирлиги деймиз. Булар бир-бирига зид келяпти. Бундан ташқари тилимизда парафразалар ҳам бор. *Чарм қўлқоп устаси, деҳқоннинг қаноти, дала маликаси* бирикмаларида ҳам кўчма маъно, образли ифода бор. С.Шодиев бу мавзунини изоҳталаб эканлигини, чунки парафраза компонентлари ўз лексик маъносини тарк этмаслигини ёзади. [Шодиев, 2020:13].

МУҲОКАМА

Шундан келиб чиқиб, юқоридаги метафораларни узил-кесил фразема деб ҳисоблашда ғализлик бор. Тилимизда *юрак, қўл, кўз* каби компонентли соматик фразеологизмлар кўп. У.Рашидованинг тадқиқотида *юраги гашланмоқ, юраги қинидан чиқмоқ, юраги қон, юраги қора, юраги безовта* иборалари келтирилган бўлиб, уларнинг идиоматик маъноси ўзаро қиёсланмаган. [Рашидова, 2018:15]. Келтирилган *юраги қон ва юраги қинидан чиқмоқ* бирликларида тасвир буёғи баланд бўлиб, фразеологик чатишмага тўғри келади. *Юраги гашланмоқ, юраги қора* ибораларида метафора асосида маъно ҳосил бўлаётган бўлса, *юраги безовта* фраземасини ҳосила маъно деб бўлмайди, бу ўз маъносида бўлиши ҳам мумкин.

Масалан, юраги бемор одамни тасаввур қилинг? Ёки уйига шошилаётган она: “*Тезроқ борай, юрагим безовта бўляпти*”, - дейди. Бу ўринда ички, ботинидаги, қалбидаги ҳиссиётлар туфайли она шундай айтади. Гапда *юрак* сўзининг метафорик маъносини кўришимиз мумкин.

Фразеологик чатишма дейиладиган иборалар ўз шаклидаги эркин бирикма билан омонимлик ҳосил қилмаслиги, фразема моҳиятида муболаға мавжудлиги таъкидлаб ўтилади. [Раҳматуллаев, 1992:138]. Лекин ўз *ёғида ўзи қоврилмоқ* ибораси *руҳан эзилмоқ* маъносини ифодаласа, ўз маъносида *гўштини ўз ёғига ўзини қовурмоқ* тушунчасини англатади. *Кўз юммоқ* ибораси лексемалар асосида маъноси ифодаланадиган бутунлик бўлиб, ибора маъноси *кўриб туриб эътиборсиз қолдирмоқни* билдиради. Эркин бирикма сифатида эса *шунчаки кўзини юмиб олмоқ* тушунилади. *Емаган сомсасига пул тўламоқ* ибораси ўзи қилмаган иш учун жавоб бермоқни, ўз маъносида эса бошқалар учун чўнтагидан тўламоқни англатади. Бу ерда ибора ўз маъносидан ҳосил бўляпти. Биринчи келтирилган *ўз ёғида ўзи қоврилмоқ* ҳам худди шундай, *кўз юммоқ* ибораси ҳам. Демак, фразеологик чатишмаларнинг айримлари эркин бирикмадан ҳосил бўлганлиги кўриняпти. Эътибор қилсак, чатишмаларнинг қарийиб ҳаммасида *муболаға, бўрттириши, кучайтирув* белгилари намоён бўлади. Иккинчи семантик гуруҳдаги иборалар бундан мустасно бўлиб, уларнинг аксариятида метафорик маъно кўчиши бўлиб, чатишмаларга нисбатан идиоматик даражаси паст эканлиги кузатилди. Шунингдек, бу гуруҳдаги метафора ва

бошқа маъноларни фраземалар қаторида санасак, контекстдаги сўзнинг ҳосила маънолари билан фраземаларни бир-биридан ажратиш сўроқ остида қолмайдими? Очиқ эшик, “*берк эмас*” маъносидан *очиқ гапирмоқ, мавзуни очиқ қолдирмоқ, очиқ одам (хушмуомала)* ҳосила маънолари пайдо бўлган. Бу маънолар фақат контекстда юзага чиқяпти.

ХУЛОСА

Фразема бўлиши учун лисоний онгимизда яхлит бирлик, гешталтга айланиши керак. Фразеологик бутунлик деб қаралаётган бирликларнинг аксарияти нутқда ўзгарувчанликка мойил. Мавзу моҳият-эътиборига кўра ҳар иккала ҳодиса - метафоралар ҳам, иборалар ҳам, аниқроғи, чатишмалар лисоний онг ва унинг ассоциатив структураси билан боғлиқ бўлиб, метафорик ҳодисаларга алоҳида ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки улар ҳосила маъно бўлсада лексик маъносини сақлаган бирликлардир.

REFERENCES

1. Турсунов У. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1992. – Б. 74, 138.
2. Жамолхонов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 2013. – Б. 337.
3. Шодиев С. Турғун сўз бирикмаларининг синтактик деривацияси. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд, 2020. – Б. 13.
4. Рашидова У. Ўзбек тилидаги соматик ибораларнинг семантик-прагматик таҳлили. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2018. – Б. 15.